O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
UZUN TUMAN
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
УЗУНСКОГО РАЙОНА

20**20** у «**21**» **Сентябр** **Қ-838**
№_____ «____»_____20___г

2021 йилда Узун туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 05 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 10-банди ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони (иловага асосан) 20 нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар сонидан келиб чиқиб, Узун туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 91 та иш ўринлари банд қилинганлиги, жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 37,36 фоиз (34 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 46,15 фоиз (42 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 7,7 фоиз (7 киши):

RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMLIGI DEVONXONA O'ZBEKISTON

ногиронлар учун 3,3 фоиз (3 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 1,1 фоиз (1 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 2,2 фоиз (2 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 1,1 фоиз (1 киши);

атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун 1,1 фоиз (1 киши) миқдорида иш ўринлари захираси корхона ва ташкилотлар кесимида белгиланганлиги иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий мухофазага муҳтож шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ ташкил этилсин.

3. 2021 йилда Узун туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича корхона ва ташкилотлар кесимида иш ўринларини ташкил этиш рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Иловада кўрсатилган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари белгиланган иш ўринлари ташкил этилишини тўлиқ таъминласин.

5. Қуйидагилар:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарорни бажармаган, шунингдек, уларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этган корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланиши;

ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган иш ўринларини банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этган корхона ва ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида субсидиялар ажратилиши белгилаб қўйилсин.

6. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Дўсматов) беш кун муддатда ушбу қарор иловасида кўрсатилган ташкилотлар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DEVONXONA VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMLIGI
DEVONXONA

раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

7. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ойдан сўнг кучга кириши белгилансин.

8. Мазкур қарор “Боботоғ тонги” газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Туман ҳокимининг 2019 йил 20 сентябрдаги Қ-3794-сон қарори 2021 йил 1-январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими: **Б.Турсунов**

Узун тумани ҳокимининг
2020 йил "__" -сентябрдаги
-848 -сонли қарорига илова

Узун тумани бўйича 2021 йилда Узун тумани бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган ташкилотлар рўйхати

№	Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати	Штат жадвали бўйича ходимларнинг умумий сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	шу жумладан:							
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногирон лиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Боботоғ Давлат ўрмон хўжалиги	140	2			1			1		
2	Узун туман халқ таълими бўлими	56	1		1						
3	Узун туман тиббиёт бирлашмаси	1730	18	7	9	1	1				
4	Узун туман ДСЭНМ	93	1		1						
5	Узун туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	40	1	1							
6	3- Айрим фанлар чуқур ўрганадиган умумтаълим мактаб интернати	51	1	1							
7	1- умумий ўрта таълим мактаби	92	2	1	1						
8	2- умумий ўрта таълим мактаби	71	1		1						
9	3- умумий ўрта таълим мактаби	97	2	1	1						
10	4- умумий ўрта таълим мактаби	98	2	1	1						

11	5- умумий ўрта таълим мактаби	70	1		1						
12	6- умумий ўрта таълим мактаби	38	1		1						
13	8- умумий ўрта таълим мактаби	57	1		1						
14	9- умумий ўрта таълим мактаби	78	2	1	1						
15	10- умумий ўрта таълим мактаби	56	1		1						
16	11- умумий ўрта таълим мактаби	68	1	1							
17	12- умумий ўрта таълим мактаби	76	2		1			1			
18	13- умумий ўрта таълим мактаби	76	2	1	1						
19	14- умумий ўрта таълим мактаби	109	3	1	1		1				
20	15- умумий ўрта таълим мактаби	56	1	1							
21	17-умумий ўрта таълим мактаби	82	2	1	1						
22	18- умумий ўрта таълим мактаби	128	2	1	1						
23	19- умумий ўрта таълим мактаби	84	2	1	1						
24	20- умумий ўрта таълим мактаби	93	2	1			1				
25	21- умумий ўрта таълим мактаби	54	1		1						
26	22- умумий ўрта таълим мактаби	58	1		1						
27	23- умумий ўрта таълим мактаби	63	1		1						
28	24- умумий ўрта таълим мактаби	62	1		1						
29	25- умумий ўрта таълим мактаби	55	1		1						
30	26- умумий ўрта таълим мактаби	78	2	1	1						
31	27- умумий ўрта таълим мактаби	70	1	1							
32	28- умумий ўрта таълим мактаби	65	1		1						
33	29- умумий ўрта таълим мактаби	61	1		1						
34	30- умумий ўрта таълим мактаби	54	1		1						
35	31- умумий ўрта таълим мактаби	53	1		1						
36	33- умумий ўрта таълим мактаби	55	1		1						
37	34- умумий ўрта таълим мактаби	69	1	1							
38	36- умумий ўрта таълим мактаби	41	1	1							
39	38- умумий ўрта таълим мактаби	54	1	1							

REPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMLIGI • O'ZBEKISTON
DEVONXONA

40	40- умумий ўрта таълим мактаби	39	1		1						
41	43- умумий ўрта таълим мактаби	61	1	1							
42	44- умумий ўрта таълим мактаби	56	1	1							
43	45- умумий ўрта таълим мактаби	64	1	1							
44	50- умумий ўрта таълим мактаби	49	1		1						
45	52- умумий ўрта таълим мактаби	56	1	1							
46	54- умумий ўрта таълим мактаби	60	1	1							
47	56- умумий ўрта таълим мактаби	62	1	1							
48	59- умумий ўрта таълим мактаби	57	1		1						
49	60- умумий ўрта таълим мактаби	42	1	1							
50	61- умумий ўрта таълим мактаби	48	1	1							
51	64- умумий ўрта таълим мактаби	52	1		1						
52	Узун тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	48	1		1						
53	Ободонлаштириш бўлими	173	3			1				1	1
54	"Узундавсувмахсуспудрат" ДУК	49	1			1					
55	Узун туман ирригация бўлими	21	1			1					
56	Узун туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	72	1			1					
57	"Энергокурилишмахсулот" шўъба корхонаси	77	1						1		
58	"Кавсар мадад" хусусий корхонаси	36	1			1					
	ЖАМИ:	**5553**	**91**	**34**	**42**	**7**	**3**	**1**	**2**	**1**	**1**

RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMLIGI • O'ZBEKISTON
DEVONXONA